



Расмий муносабат

Тошкент шаҳрида реновациянинг мустаҳкам қонунчилик асослари бўлмагунча унинг асосида янги қурилишларни амалга оширмаслик ТАРАФДОРИМИЗ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси regulation.gov.uz порталига “2024 йилда Тошкент шаҳар Чилонзор туманини Хитой тажрибаси асосида, шу жумладан, янги ёндашувлар, инновацион ва “яшил технологиялар” ҳамда бошқарувда замонавий усулларни қўллаган ҳолда камбағалликдан чиқариш тўғрисида”ги ҳукумат қарори лойиҳаси жойлаштирилди.

Албатта, пойтахтимиз туманлари ривожланган давлатлар тажрибаси асосида янада обод этилиши, уларда инновацион, “яшил технологиялар”нинг ва замонавий усулларнинг жорий этилиши, тадбиркорлик ҳамда туризм салоҳиятининг ортиши барчамизни қувонтиради. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фаоллари, экспертлари томонидан мазкур қарор лойиҳаси атрофлича ўрганилиб, таҳлил этилганида унда режалаштирилаётган айрим масалалар юзасидан саволлар юзага келди.

Таклиф этилаётган қарор лойиҳасига кўра, Чилонзор тумани ҳудудидан “Дўмбировод”, “Кичик ҳалқа йўли”, “Дилхуш 2-тор кўчаси” кешималари оралиғида жойлашган йўл бўйидаги аҳоли хонадонлари ва хизмат кўрсатиш объектларини реновация асосида кўп қаватли қилиб қайта қуриш ҳамда биринчи қаватида янги замонавий хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Реновациянинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси, хусусан, уни амалга оширишнинг қатъий талаб ва тартиблари, уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларига риоя этиш кафолатлари бўлмасдан туриб, бу борада лойиҳаларнинг амалга оширилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларига путур етказиши мумкин.

Шу сабабли “Адолат” социал-демократик партияси мазкур қарор лойиҳасини реновацияга оид қонунчилик асослари мавжуд эмаслигини ҳамда кенг жамоатчилик, шу жумладан, Чилонзор тумани аҳолиси билан ҳар томонлама муҳокама қилиб, уларнинг фикрини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Фракция йиғилиши



Халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади

Келгуси йил учун давлат бюджети лойиҳасига “Адолат” СДП фракцияси ўз муносабатини билдирди

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Фракциямиз аъзолари томонидан ушбу қонун лойиҳасини кўриб чиқишда 2024 йил учун давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрлари бўйича алоҳида ёндашув билан ишлаб чиқилганлиги ва унинг янада такомиллаштирилганлигига эътибор қаратилди.

Биз мазкур қонун лойиҳасини биринчи ва иккинчи

ўқишда кўриб чиқиш жараёнида ўз Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таҳлилий ёндашдик.

Хусусан, Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор мақсадимиз — аҳолига барча даражада (республика, вилоят, туман, қишлоқ) юқори технологияли, ихтисослаштирилган ва

малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизими самардорлигини таъминлаш ҳамда касалланиш йўналишларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига илмий-тадқиқот фаолиятининг охириги ютуқларини фаол жорий қилиш асосий мақсад ва вазифа сифатида белгилаб олинган.

Шунингдек, дастурида тиббий хизмат устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича таъсирчан қонунчилик механизмларини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чоралари белгилаб қўйилган.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, фракциямиз аъзолари юқорида келтириб ўтилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишдаги муҳокама жараёнида илгари сурган қатор таклифлари қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш учун такомиллаштирилиши жараёнида инобатга олинган.

2

Танлов

КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

“Адолат” СДП томонидан ҳар йили “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ўтказиб келинадиган “Конституция билимдони” кўрик-танлови бу йил ҳам анъанага мувофиқ республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки кайфият ва юқори суръатларда ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўрик-танловнинг бу йилги босқичини ўтган йилларидан фарқлиқ қилиб шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 майдаги “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ундаги нормаларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти ва янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун ва моҳияти билан ёшларни яқиндан таништиришдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан партиянинг ҳудудий кенгашиларида айни кунларда кўрик-танлов жараёни ўзининг энг қизгин палласига кирган.



Жумладан, Тошкент давлат юридик университетида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг ТОШКЕНТ ШАҲАР БОСҚИЧИ ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, партиянинг “Ёш адолатчилар қаноти” фаоллари, “Ёшлар парламенти”

аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 майдаги “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳияти, унда акс этган ёшларга оид масалалар ҳамда келгусида ушбу муҳим ҳужжатнинг

ижроси натижасида эришилаётган ютуқлар, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан маълумотлар берилди.

Танлов якунида Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейнинг 1-курс талабаси Абдужалил Алишеров биринчи ўринга муносиб топилди. Тадбир сўнггида танлов ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

3

Бугунги сонда:

ШАРМАНДАГА ШАҲАР КЕНГ ЭКАН

Ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими қачон ишга тушади?

5

Диққат марказимизда ЯНА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ...

Ёшларни, афсуски, ижтимоий тармоқ издан чиқариб бўлган. Ўсмирларни чалғиган хаёлларидан қайтариб, йўлга солиш устозлар учун осон кечмаяпти.

6

**“ADOLAT”
газетасига
2024 йилга
обуна давом этмоқда**

**Обуна
индекси — 100**



Халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади

➡ Бу депутатларимиз томонидан алоҳида эътироф этилди.

Жумладан, ҳукумат томонидан қонун лойиҳасида таркибиди кўп миқдорда шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи энергетик ичимликлар учун ички ишлаб чиқариш ва импортга чиқариш акциз солиғи миқдорини литрига 500 сўм қилиб белгиланган таклиф, депутатларимизнинг ушбу акциз солиғини ошириш лозимлиги бўйича берган таклифи инobatта олиниб, 2000 сўмга оширилиши назарда тутилмоқда. Бу эса вояга етмаганлар ўртасида ушбу маҳсулот истеъмолини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, фракциямиз аъзолари томонидан биринчи ўқишда вирусли гепатитнинг "С" ва "В" турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш харажатлари камайлантирилиши, шу билан бирга йилига бир марта 40 ёшдан ошган беморларнинг қандли диабет ва диабет олди ҳолати скринингини ўтказиш харажатларига 2024 йилда маблағ ажратилмаганлиги ва буни қайта кўриб чиқиш юзасидан берилган таклифлари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инobatта олиниб, қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Хусусан, депутатлар томонидан берилган таклифлар натижасида вирусли гепатитнинг "С" ва "В" турларини эрта ташхислаш ва вирусга қарши махсус даволаш ишларини ташкил этиш учун 11.8 млрд. сўм, йилига бир марта 40 ёшдан ошган беморларнинг қандли диабет ва диабет олди ҳолати скринингини ўтказиш учун 14 млрд. сўм, яъни Соғлиқни сақлаш соҳасига ажратиладиган маблағларнинг миқдори яна 25.8 млрд. сўмга оширилди.

Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан 2024 йилдан "Маҳалла бюджети" тизими тўлиқ жорий қилиниши, ҳар бир маҳаллада ўртача 100.0 млн. сўмгача маблағ шаклланиши, бу борада депутатларимизнинг маҳалла тизимининг молиявий кўникмаларини ошириш лозимлиги бўйича берган таклифларига асосан иккинчи ўқишга киритилганда бу тизим механизми ишлаб чиқилаётганлиги бўйича батафсил ахборот берилди.

Умуман олганда, 2024 йил учун бюджет тўғрисидаги қонун халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтириш учун асос бўлади.

Партия ташаббуси билан

Боланинг бегонаси бўлмайди. Мурғак қалбнинг биргина шодон кулгиси учун дунёларни бахшида қилгинг келади. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳамда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан меҳру-мурувватга муҳтож, ҳаётга ташна мурғак кўнгилларга қувонч улаштириш, эртанги кўни учун умид бахшида этиш мақсадида 7 йилдан буён анъанавий тарзда "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шiori остида беғараз донорлик акцияси ўтказиб келинмоқда.

“Бор меҳримиз сенга, БОЛАЖОН!”

Қон қуйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва бу борада қон донорларининг ҳиссаси нечоғли катта аҳамият касб этишини кенг жамоатчиликка янада яқинроқ тушунтириш, болажонларимиз саломатлиги йўлида имкон қадар кўпроқ донорларни жалб этишни мақсад қилган "Бор меҳримиз сенга, болажон!" акцияси тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топлашишга чақариш орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилиш билан бир қаторда, кўнгилли донорларнинг хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорлик билдириш каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этади.

Ўтган йиллар давомида мазкур акцияда кўплаб ватандошларимиз иштирок этишган. Улар орасида давлат, жамоат арбоблари, турли вазирлик, муассаса ҳамда ташки-

лотлар масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, халқ ардоғидаги ёзувчи, шоир, санъаткорлар билан биргаликда партия ходимлари ҳам бор.

Ўтган йилларда акцияда Республика миқёсида жами 19 452 нафар донор иштирок этиб, 6 тонна 808 литр қон йиғилди ва йиғилган қонлар 38 904 нафар қонга муҳтож болажонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилди.

Белгиланган тартибга кўра, қон топлашадиган, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган кунлар учун донор, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда, ишдан озод қилинади. Донорнинг соғлиғи сақланиши тиббиёт ходимлари томонидан қафолатланади.

Азиз юртдошлар, бемор болажонлар ҳаётини асраб қолишга ўз ҳиссангизни қўшинг! Шарафли, мислсиз савоб саналган донорлик тадбирида фаол иштирок этинг.

Айтиш жоизки, соғлом киши учун қон топлашиш хавфсиз, шу билан бирга, фойдалидир. Беғараз донорлик – кимнингдир саломатлиги, унинг ҳаёти учун ҳадя этиладиган бебаҳо неъмат. Кўрсатилган меҳр-мурувват эъзизга болажонлар ҳаёти сақлаб қолиниши эса янада қувончлидир.

"Адолат" СДП анъанага мувофиқ бу йил ҳам 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шiori остида ўтказиладиган беғараз донорлик акциясига старт беради ва барча кўнгиллиларни мазкур акцияда фаол иштирок этишга чақиради. Акция 1 декабрь куни соат 9:00 дан – 16:00 гача Республика қон қуйиш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида ўтказилади.



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шайхонтоҳур туманидаги 276-сонли, 299-сонли умумталим мактаби ва 44-сонли оилавий поликлиникада ҳам бўлишди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Зухра Ибрагимова бошчилигида бир гуруҳ депутатлар туман аҳолисига “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушунтириб беришди.

Кўтаринки кайфиятда ўтказилган мулоқот якунида маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари, педагог ва тиббиёт ходимлари ҳамроҳлигида манзарали ва мевали кўчатларни экишди.

Депутат ҳисоб берди

Нукус шаҳридаги “Тунгиш қонис” маҳалла фуқаролар йиғинида халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Айша Абдреймова сайловчилари олдида жорий йилнинг 10 ойи давомидаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Учрашувда дастлаб давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси томонидан Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби бир қатор эзгу ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида маълумот берилди.

Юзма-юз мулоқот шаклида ўтказилган учрашув давомида депутатнинг ўз сайловчилари муаммоларини ҳал этиш юзасидан олиб борган фаолияти сарҳисоб қилинди.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашининг 13 та сессияси ўтказилди. Ўтказилган сессияларда 148 та масала қўриб чиқилган бўлса, уларда 75 маротаба сектор ва мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисobotлари тингланди. Фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатларнинг ечимини топиш мақсадида 87 та парламент сўрови юборилиб, натижада аҳолини қийнаб келаётган муаммолар масалаларнинг ижобий ҳал бўлишига эришилди.

Айша Абдреймовага учрашувларда фуқаролар томонидан 20 га яқин бандлик, ички йўллар, томорқа, электр энергияси, аҳолини, уй-жой билан таъминлаш, банклардан имтиёзли кредит олиш каби масалаларда мурожаат тушган бўлса, шундан 11 та масала шу куннинг ўзида ижобий ҳал қилинган. Қолган масалалар юзасидан эса мутасадди идораларга, сектор раҳбарларига депутатлик сўрови юборилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож 27 та оила ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам берилган.

“Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани (Тошкент, 2022-йил 22-декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Муҳим шартнома ратификация қилинди

Қодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кўнларида бошлаб Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат қўшни, балки қардош сифатида азал-азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келишган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яқин ҳамкорлар сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, очик, барқарор ва динамик характер касб этмоқда.

Депутатлар томонидан ратификация қилинган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома Қозоғистон Республикаси Президенти Қ.Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида 2022 йил 22 декабрда Давлат раҳбарлари даражасида имзоланган бўлиб, унинг асосий мақсади қардош халқларнинг ҳаётий муҳим ва узоқ мuddатли миллий манфаатлари ҳамда кўп қиррали шериклик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришдан иборат.

Шартнома жами 24 моддадан иборат бўлиб, унинг кучга кириши икки давлатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун янги истиқболли йўналишларни очишга хизмат қилади. Хусусан:

- икки мамлакат халқларининг маънавий ва маданий яқинлигини мустаҳкамлаш, фан, таълим, тиббиёт, спорт, маданият, маданий мерос, туризм, маълумот алмашинуви соҳасида ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш;

- иқтисодий кооперацияни чуқурлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, саноат, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қурилиш каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш;

- юлларни ҳамда йўловчиларни мақбул ва ўзаро манфаатли таъминлаш, шунингдек, транспорт коридорларининг транзит салоҳиятини оширишга қаратилган ўзаро боғлиқ транспорт тизимини янада ривожлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш;

- нефть-газ саноати тармоғида, жумладан, нефтни қайта ишлаш объектларини ва қувур линияси инфраструктурасини қуриш орқали қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;

- экологик хавфсизликни таъминлашда яқиндан ҳамкорлик қилиш, экологик офатларнинг, шу жумладан, трансгегаравий хусусиятдаги офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

- трансгегаравий суе ресурсларидан оқилон ва ўзаро манфаатли фойдаланиш ҳамда суе хўжалиги иншоотларини эксплуатация қилиш, шунингдек, сугоришнинг суви тежайдиган технологияларини жорий этиш;

- парламентлараро ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш;

- халқаро кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни кенгайтириш;

- иккинчи давлатлар тарафидан қуролли ҳужум хавфини туғдирувчи вазият юзага келган ҳолда, халқаро ташкилотлар доирасида уни тинч йўл билан ҳал этишга қўмаклашувчи чораларни кўриш мақсадида зудлик билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказиш;

- бошқа томонга қарши қаратилган ҳеч бир блок ёки иттифоқларда қатнашмаслик;

- мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий-техникавий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва бошқалар кўзда тутилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар икки мамлакатнинг ўзаро алоқалари шу пайтга қадар стратегик шериклик мақомида ривожланиб келган бўлса, эндиликда Марказий Осиёнинг ушбу икки йирик давлати ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, Марказий Осиёдаги минтақавий жараёнларга ҳам ижобий акс-садо беради, чунки Шартномада нафақат икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналишлари, балки минтақанинг умумий манфаатлари устуворлиги ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари форматини иштирокчи давлатлар манфаатларини қатъий ҳурмат қилиш асосида такомиллаштириш вазифаси қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида иттифоқчилик муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши нафақат икки давлат ўртасидаги тарихий воқея, балки Марказий Осиё барқарорлиги, тараққиёти учун ҳам хизмат қиладиган муҳим қадам десак, асло муболага бўлмайди. Иттифоқчилик алоқаларининг ўрнатилиши ҳар икки мамлакатнинг мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишини янада мустаҳкамлашга муҳим замин яратади.

КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА



Танлов **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**да ҳам янгича рух ва катта тайёргарлик билан ўтказилмоқда. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирокчилар орасида ғолибликка эришган 6 нафар билимдон йигит-қиз қатнашди. Таништирув, савол-жавоб ва эркин мавзу бўйича чиқишларда ўз билимини намойиш қилган иштирокчилар тадбир қатнашчилари ва экспертларнинг ҳам алоҳида эътирофларига сазовор бўлишди.

— Йилдан-йилга ўқувчи ёшларда кўрик-танловга қизиқиш ортиб бормоқда. Тадбир ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини, Конституциямиз ва амалдаги қонун ҳужжатларига оид билимини аниқлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Асосийси, “Ёш адолатчилар” қонунчилигимизга бефарқ эмас, — дейди “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатдон Мусаева.

Кўрик-танлов ўз номи билан беллашув. Унда кимдир ғолиб бўлиши табиий. Шундай бахт **АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ** қошидаги академик лицей ўқувчиси **Мадина Жўрабоева**га насиб этди. Энди у

Ўтган давр мобайнида партия ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Конституция билимдони” танлови ёшларимиз ўртасида кенг оммалашмоқда ва унда иштирок этиш истагини билдирувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**да бўлиб ўтган танловнинг якуний босқичи юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида танловга қизиқиш билдирган ёшларнинг кўпчилиги билан диққатга сазовор бўлди. Нурафшон шаҳар “Тонг” маданият маркази биносида ўтказилган мазкур тадбирни “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Фармон Аллаев кириш сўзи билан очиб берди ва иштирокчиларга омад тилади.

Танловда вилоятда мавжуд профессионал таълим муассаса (касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар)лари ва олий таълим муассасалари тасарруфидаги академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари иштирок этишди. Ўқувчилар танлов Низомига кўра “Таништирув”, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид билимлар беллашуви, “Эркин мавзу” шартида “Адолат” социал-демократик партияси менинг тасавурида” мавзусида

беллашди. Ўқувчиларнинг шартлар бўйича чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан адолат тамойили асосида баҳоланди. Беллашувда барча ўқувчилар ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий билим ва маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Танловнинг якуний натижаларига кўра **Бўка тумани 2-сонли касб-хунар мактаби ўқувчиси Гулсанам Абдувалиева** ғолиб топилди ва республика танловида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Танлов якунида иштирокчилар “Адо-

лат” СДП Тошкент вилояти кенгашининг 1-2-3-даражали дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур танловнинг ўтказилиши жамиятда қонун устуворлиги ва барқарорлигига эришиш, мамлакатимизда эркин демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий таълим-тарбияни янада такомиллаштириш, давлат ва жамият бошқаруви мохи-

яти ҳақида ёш авлодга тушунчалар бериш, ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини янада оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Адолат” СДП **БУХОРО ВИЛОЯТ** кенгаши томонидан Бухоро вилоят юридик техникумининг фаоллар залида партиянинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳам юқоридаги тамойилларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов кириш сўзи билан очиб, яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан барчани табриклади. Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини англаш, унинг аҳамиятини тушуниш ҳар бир инсон учун нихоятда муҳимлигини таъкидлади. Танлов давомида иштирокчи ўқувчиларнинг саҳна маданияти, нотиклик маҳорати ҳамда ижодий қобилиятлари ҳам алоҳида эътиборга олинди. Тадбирда ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг чиқишларини очик, ошқора овоз бериш йўли билан одилона баҳолаб бордилар. Иштирокчилар чиқишларини якунлагандан сўнг ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилиб, тадбир сўнггида ҳулоса ва изоҳлар берилди. Қизгин музокара-лардан сўнг натижага кўра, 3-ўринни **Бухоро шаҳар юридик техникум ўқувчиси Асилбек Очиров**, 2-ўринни **Когон туман касб-хунар мактаби ўқувчиси Севинч Каримова** эгалладилар. **Қоровулбозор туман касб-хунар мактаби ўқувчиси Севинч Куллиева** биринчиликти олиб, Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорларга 1-2-3-даражали дипломлар ҳамда ўқувчи ёшларни тайёрлаган ўқитувчи ва мураббийларга партия вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, “Адолат” СДП **ҚАШҚАДАР ВИЛОЯТ** кенгаши томонидан Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё вилоятлари кенгашлари матбуот хизмати

академик лицейида “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи ташкил этилди.

— Кўрик-танлов ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, уларда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон “Адолат” СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди, — дея алоҳида таъкидлади вилоят кенгаши раиси **Р.Раупов**.

Беллашувлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда партиянинг дастурий мақсад-вазифаларининг мазмун-моҳиятига ёшларнинг эътиборини кенг жалб қилишга алоҳида ургу берилди.

Танлов белгиланган низом асосида 3 босқичда ташкил этилди. Ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг чиқишларини очик овоз бериш йўли билан одилона баҳолаб бордилар. Қизгин музокара-лардан 3-ўринни **Гўзор туман 1-ихтисослаштирилган мактаби 11-синф ўқувчиси Отажон Раҳматуллаев**, 2-ўринни **Шаҳрисабз шаҳар юридик техникуми ўқувчиси Севинч Салимова** эгалладилар. Қарши шаҳридаги Ички ишлар вазирлигига қарашли Қашқадарё академик лицей ўқувчиси **Улуғбека Шоймардонова** республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорларга партиянинг фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган бошқа билимдон ёшлар вилоят партия кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар, Андижон, Наманган, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари кенгашлари матбуот хизмати

Шу ҳафта охиригача танловнинг яна бир нечта вилоятлар якуний босқичлари бўлиб ўтади. “Адолат” СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишга қаратилган “Конституция билимдони” кўрик танловининг якуний — республика босқичи — 25 ноябрь — 5 декабрь оралиғида ўтказилиши режалаштирилган.



танловнинг республика босқичида андижонлик ёш Конституция билимдонлари номидан иштирок этади.

Тадбир якунида иштирокчилар вилоят партия кенгаши томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

НАМАНГАН ШАҲРИДА “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи 11-мусиқа мактабида бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида юқори ўринни эгаллаган талаба ўқувчилар иштирок этишди. Қизгин баҳслар остида ўтган якуний босқичда **Давлатобод туманидаги юридик техникум талабаси Шерзод Мамадалиев** энг юқори балл тўплашга муваффақ бўлди ва танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Танлов сўнггида мусобақа давомида фаол иштирок этган, ўз билим ва кўникмалари билан ҳакамлар ҳайъати томонидан муносабат баҳоланган 2- ва 3-ўрин соҳиблари ҳам алоҳида эътироф этилиб, “Адолат” СДП вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.





КўнгиЛ оБод бўЛса, ВАТАН ҲАМ оБод



Янги Ўзбекистон – янги ҳаёт, Янги ҳаёт – Янги Ўзбекистон сўзлари бузун бир-бирига гоят ҳамоҳанг жаранглайдир. Юртимизда бузун Онг, Тафаккур, Қалб янгиланаётмир. Замон, Давр янгиланаётмир. Инсон янгиланаётмир. Замондошларимизнинг ўзаришии Замон янгилашишларидан ортда қолмаслиги керак.

Салим АШУР, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Замон суръати ҳақида ўйлаганимда ўтган кун билан бугунни, кечаги ҳаёт билан бугунги ҳаётни таққослагинг келади... Яқин-яқингача Сурхондарё ишлаб чиқариш, саноат, замон билан ҳамнафас тадбиркорлик ривожланмаган чекка ҳуҳуд савалар эди. Инвестия ва инвестор, ишбилармон ва тадбиркор марказдан узилган, қулай инфратизим ривожланмаган чет ўлка бормаслиги аён.

Бугун Сурхондарёда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий муҳит мутлоқо ўзгарди. Барча соҳаларда ривожланиш кўзга яққол ташланади. Масалан, маҳаллаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш, яъни одамларнинг кўнглини обод этиш ишларига охириги олти йилда 5 триллион 878 миллиард 900 миллион сўм маблағ йўналтирилди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 133 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1 189 та ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларида 3 триллион 467 миллиард 400 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу борадаги режа ва мақсадлар янада салмоқли. 2023 йилда 11 046 та хонадонга эга бўлган 246 та уй-жой қурилиши мўлжалланган. Уй-жой қурилиши соҳасида охириги олти йилда 49 359 хонадонга эга бўлган 1 713 та уй янгидан қурилган ва таъмирланган. 2017-2022 йилларда тижорат банклари томонидан 24 958 нафар фуқарога 3 385,4 млрд. сўм миқдорда ипотека кредити ажратилган. "Темир дафтар"га киритилган 781 та оилага 11,7 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилган. 357 та ёш оила янги бўлиб этилган "Ёшлар уйлари"га қўчиб кирган. 22 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёш уй-жой билан таъминланган. Оғир вазиятга тушиб қолган ёки ногиронлиги мавжуд бўлган 540 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланган.

Бунёдкорлик ишларининг қўлами айтиб турибди, кейинги олти-етти йилда Сурхондарё маҳалли ва хорижий тадбиркорлар учун жозибали вилоятга айланди.

Ободлик кўнглидан бошланган, дейди доно халқимиз. Ҳаёт қийинчиликларига дуч келиб, жамиятда ёлғизланиб қолган, биз билан бир маҳаллада яшаб келаётган одамлар ён-атрофимизда бор. Ҳозирги пайтда ногиронлар, муҳтож оилалар маҳалла жамоатчилигининг, давлатнинг эътиборидан эъзоз топмоқда. Уларнинг тақдирини ҳал қилишлар рўй бермоқда. Улар жамият учун керакли эканликларини ҳис этмоқдалар, ҳаётдан рози бўлмоқдалар.

Президентимиз ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ихроси билан танишиш мақсадида шу йил 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятига ташриф буюрганида ислохотлар, ўзгаришлар янгилаштирилди – барча-барчаси одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. "Буеунги тадбиркор ёшлар – Янги Ўзбекистон

маҳсули. Уларнинг билими ҳам, имтилоши ҳам янгилаш", деди давлат раҳбари. Ёшлар мактаб бағрида таълим-тарбия олади. Жумладан, тадбиркор ёшлар ҳам дастлабки кўникмаларни мактаб дарсхоналарида ўзлаштиради. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Эшқобил Шукур, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адиб Қўчқор Норқобил ва бошқа бир гуруҳ ижодкорлар Сурхондарё вилоятида бўлиб, бу ерда мактаблар фаолияти билан танишар эканмиз, давлатимиз раҳбари илгари сурган бу юксак гоа нақадар ҳаётий эканига, сурхондарёликлар "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" шiori остида эртанги кунни бугундан да обод этиш йўлида ҳалол меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик.

Вилоятнинг изчил ривожланиб бораётгани ҳақида гапирганда, таълим соҳасига алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз. Бироз узорқоқча назар ташланса, ҳатто 2017 йилгача вилоятда 44 та лой-пахса мактаблар мавжуд бўлган. Таълим сифати паст бўлган мактаблар 144 тани ташкил этган. Кейинги олти йилда бу борадаги вазият тубдан ўзгарди. Ўтган даврда 17 та янги мактаб, 274 та қўшимча ўқув бинолари қурилди. Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг олий ўқув юртиларига кириш кўрсаткичи ўтган даврдаги 12 фозидан 30,1 фозигача ошган.

Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг етук намояндаси, маърифатпарвар олим ва педагог, атоқли адиб, жамоат ва давлат арбоби Мунавварқори Абдурашидов "М.Мактаб болаларининг иккинчи бешиқлари"дур", деб ёзган эди. Дарҳақиқат, ёшлар келажагининг тамал тоши мактабда қўйилади.

Термиз туманидаги 34-мактабда миз. 1-синф ўқувчиларининг ёзув дафтарини арақларканмиз, болақалларнинг чиройли хуснихати кўзни қувонтиради. Ҳарфлар чизикдан чиқмасдан бир текис ёзилган. Мактаб директори Раъно Маҳаммаднинг таъкидлашича, болага дастлаб рўқчилик тўғри ушлашни ўргатиш керак. Шундангина у тўғри, чиройли ёзади.

– Бола биринчи синфда ўрганган ёзувини умрининг охиригача сақлаб қолади, – дейди бошланғич синф ўқитувчиси Хулкар Панжиева. – Маълумки, ёзувда инсоннинг феъл-атвори акс этади.

Жаҳонга машҳур олим Альберт Эйнштейн "Болангиз ақлли бўлишини истайсизми, унга эртак айтиб беринг. Болангиз янаям ақлли бўлишини истайсизми, унга эртак айтиб беринг. Болангиз энг ақлли бўлишини истайсизми, унга эртак айтиб беринг", деб таъкидлаган эди. Адабиёт ўзига дўст тутинганларни яхшиликка, азгуликка етакловчи ёруғ эртақдир... 1-синф ўқувчилари эртак ва шеърлар айтишда бир-биридан ўзмоқчи бўлишади.

Мазкур мактабда "Уч авлод учрашуви" бўлиб ўтди. Бу шунчаки учрашув, тадбир эмас, ўқувчилар учун ўзига хос са-

боқ бўлди. Катта авлод ўз ҳаётининг аччиқ ва тотли дамларидан ҳикоя қилиб берди. Қизикарли ҳикоялар, ҳаётий ҳулосалар, турли воқеа-ҳодисаларга бой ўтмишга чуқур назар ташлаш ёшларда қизиқиш ҳамда бугунги кунлардан шўқроналик ҳиссини уйғотади. Ўқувчилар Ватан ҳақида ёзилган шеърини машқларини ўқишди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган ва мактаб саҳнасида намойиш этилган она тилимизни авайлаб-асраш ва ривожлантиришга қаратилган саҳна кўриниши барчада қизиқиш уйғотди.

Муҳиддин Қурбонов – собиқ ички ишлар ходими, "Жасорат" медали соҳиби, шоир. У тўлиб-тошиб Ватан ҳақида, ёшлар тарбияси ҳақида шеърлар ўқиди. У "Жасорат" медалини давлат чегарасини ноқонунчи тарзда кесиб ўтмоқчи бўлган жиноятчини ушлашда кўрсатган жасорати учун олган.

Рус тили ўқитувчиси Бибирия Зиева ижодкор ўқитувчи, шеърлар ёзади. Унинг: "Ватан, тулғонингда бир изим қолсин..." сатрлари мушоираларда ҳозир бўлганларнинг қалбига ўчмас из қолдиради. Шеърининг, шеърининг кучи ҳам балки шундадир.

Вилоят мактабларида бораётган ўзгаришлар, янгилашишлар, ислохотлар билан бир кур танишиб, Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади, деган гоа ҳаётда ўз исботини топаётганига гувоҳ бўламиз.

Шеробод туманидаги 38-мактаб фаоллар залида бир гуруҳ ижодкорлар билан бўлиб ўтган учрашувда ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашган ўқувчилар, жумладан, Асадбек ва Севингча Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган атоқли адибларнинг китоблари соғина қилинди. Илк шеърини тўплами чоп қилинган Севингча Ёшқобилова ўз шеърларидан ўқиб берди.

– Китоб ёзган одамдан ёмонлик чиқмайди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, таниқли шоир Мейнғор Олломурад.

Ўқиб ва ижодаги муваффақиятлари учун ёш хаваскор шоир Умарали Холдоровга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Сурхондарё тарихда дунёга қўллаб улғур алломалар, мутафаккирлар, адибларни етказиб берган қутлуг замин. Дунёвий ва диний илмлар, маданият, санъат, адабиёт соҳаларида Ҳаким Термизий, Абу Жаъфар Муҳаммад Термизий, Имом Абу Исо Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий каби юздан ортиқ термизийлар етишиб чиққан ва илм-фан тараққиётига, инсоният маънавияти юксалишига катта ҳисса қўшганлар. IX асрда ҳадисларни тўплаб, "Сунани Термизий" ҳадис китобини яратган Имом Термизий номи ҳаммаша алоҳида тилга олинади. Президентимиз Сурхондарё вилоятига, хусусан, Ҳаким Термизий мақбарасига ташрифи чоғида термизий алломалар илмий меросини чуқур ўрганиш, улардан кенг халқ оммасини хабардор қилиш, айниса, ёшларни тарбиялашда ундан тўғри ва ўринли фойдаланиш орқали жамиятда соғлом маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш бўйича

муҳим кўрсатмалар берди.

Шўрчи туманидаги 36-ихтисослаштирилган мактабда бўлиб ўтган учрашув чоғида нуруний отахон ёшларга ҳаёт сабоқлари ва ҳулосаларидан сўзлаб берар экан, Ватанимиз мустақил бўлишидан аввал Имом Термизий мақбарасида ҳарбийларнинг итлари сақланганини, Ёғдудондаги Ҳўжаи Жаҳон мақбараси шаксарой бўлганини, 1990 йилда жаҳон миқёсида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг 1200 йиллиги нишонланганини, ушбу анжуманга чет элдан келган уламолар қабри кучоқлаб йиғлашганини, шундай пайтда бизникилар ҳайрон турганини эсга олди. Ҳа, биз у йилларда шу даражада ўз тарихи ва қадриятларидан узилган эдик. Босқинчиларнинг миллатни таслим қилмоқчи бўлсан, уни тарихидан, қадриятларидан мосуво этгин, шунда ўзи йўқ бўлиб кетади, деган қондаси бўлган ва улар истибодда даврида шунга амал қилганлар.

Шеробод туманидаги корейс тилини ўқитиш марказидеми. Марказ раҳбари Темир Йўлдошев қишлоқ фарзандларига тил ўргатади. Тил ёшлар учун дунёга қиқиш, дунёни билиш, кенг билим олиш йўлларини очади. Марказ фаолият бошлаганидан буён икки юз нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар Кореяга борган. Тил ўрганаётган ёшлар "Биз, барибир жонажон Ватанимизга қайтиб келамиз. Чунки ота-боболаримиз, оналаримизнинг қабри шу ерда" дейишади. Ёшларда тил ўрганишга бўлган иштиёқ, янги дунёларни кашф этишга бўлган интилиш жуда кучли. Уларни кузатарканмиз, беихтиёр "тил билган дунёни билади", деган ҳикмат ҳаёлингиздан кечади. Эзгу саъй-ҳаракат ёшлар тақдирини ўз мевасини беради. Файласуф шоир Гёте айтганидек, "Умид билан суқилган таёқ бир кун келиб берар мева-ю япроқ".

Шерободлик ижодкор Тоҳир Маматқуловнинг адабий тўғарганин туман ва шаҳарда кўпчилик яхши билади. Бугун катта адабиётга тетапола бўлиб кириб келаётган воҳалик ёш ижодкорларнинг аксарияти шу ерда илк бор ижод силрларига ошно туттинган. Ушбу тўғарак ўз фаолияти билан ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ангор туманидаги Юқори Таллимарон маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 14-мактаб кутубхоначиси Жума Мисиров:

– Биз ҳар йили даврий нашрларга, жумладан, "Gulxan", "G'uncha" журналлари, "Adolat" газетасига обуна бўламиз. Фақат ўқитувчилар эмас, ўқувчиларни ҳам газета-журналларни ўқишга ўргатамиз. Ҳа, ёшларни газета ўқишга ўргатиш керак, улар ўз-ўзидан газета ўқийдиган бўлиб қолмайди. Газеталарда жамият, адабиёт нима билан нафас олаётгани акс этади, – дейди.

Мактаб директори Зафар Жумаев, ўқитувчилар Шўхрат Чоршанбиев, Моҳирурапова, Наргиза Кўчинова мактабда, маҳаллада китоб акциялари ўтказилгани, шу тўғайли мактаб кутубхонаси ўқувчиларнинг ота-оналари тухфа этган китоблар билан бойиб бораётгани ҳақида тўққиланганиб гапирди.

Худудлардан хабарлар



Авал хабар берганимиздек, "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали ҳамкорлигида Янгиариқ туманидаги "Чақир" маҳалласида аҳоли орасида тиббий кўрик ташкил этилиб, бир қатор сурункали ва хавфли касалликларнинг олди олинган эди.

Маҳалла аҳолисининг мурожаатига асосан, партиянинг Хоразм вилоят кенгаши раиси, РИО ва РИАТМ Хоразм филиали директори Тоҳир Палванов раҳбарлигида мазкур маҳаллада тиббий кўрик давом эттирилди.

Икки юзга яқин фуқаролар ультратовуш текшируви, гинеколог, терапевт кўригидан ўтказилди. Мобил маммограф ёрдамида эса 45 ёшдан юқори бўлган аёллар ҳолати текширилди.

Партия фаоллари, депутатлари, онкологлардан иборат ишчи гуруҳ маҳаллада истикомат қилаётган, касалманд, ногиронлиги бор, ижтимоий химояга муҳтож, яқка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш мақсадида хонадонларга ташриф буюришди. Уларни қийнаб келаётган муаммолар билан танишишди. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари бошлаб юборилди.

– Кўп йиллардан буён суяк емурилиши касаллигидан азият чекиб келаман, – дейди бемор Давронбек Зарипов. – Ҳолимиздан хабар олиб турган давлатимиздан, қолаверса, маҳалламизда тиббий кўрик ташкил этилишига бош бўлаётган, халқимиз саломатлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилиб келаётган тажрибали онколог Тоҳиржон Палвановдан миннатдоримиз...

Тиббий кўрик давомида аниқланган сурункали ва хавфли касалликлар бўйича тавсиялар ва вилоят онкология марказига йўлланмалар берилди. Маҳаллаларда тиббий кўрик давом этади.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

Сифатсиз дори воситаларидан сақланинг

Турли мамлакатларда ўтказилган тадқиқотларда ишфохоналарга ётқизилган деморларнинг ўртача 10-20 фозига дорилар ноқўя таъсир қилмаслиги ҳолати кузатилади, Қизиш шундаки, айрим ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич икки баравар юқорини ташкил қилади.

Амангул ЁСЕМУРАТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот котиби

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра эса дори воситаларини назоратсиз қўллаш ва ўзини-ўзи даволаш орқали ўлим ҳолатлари жараҳатлар, қон айланиш касалликлари, онкологик ва пульмонологик касалликлардан кейин 5-ўринда туради.

Ҳақиқатан, биз дори воситаларига оддий истеъмол товари сифатида қараймиз ва бу вазиятни янада оғирлаштиради. Шунинг учун мазкур масала ҳар 100 минг аҳолига ўртача 25-27 та дориҳона тўғри келадиган Ўзбекистон учун долзарбдир.

Ваҳоланки, амалдаги қонунчилигимизда дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш ва рецепт бўйича дори воситаларини бериш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шундай экан, соғлигимизга ҳушёр бўлайлик, азизлар. Машҳур Стив Жобс амал қилган бир ўғитни эслайлик: "Таомни дори каби тановул қилинг. Акс ҳолда дорини таом ўрнида ейишингизга тўғри келади". Жобс давом этади: "Дунёда олтига энг ажайиб врач бор" дейди у . Мана улар:

1. Қуёш нури, 2. Дам олиш, 3. Спорт машғулотлари, 4. Парҳез
5. Ўзингизга ишонч, 6. Дўстлар".

Биз ҳам мана шу беминнат шифокорларнинг бебаҳо неъматларидан самарали фойдаланайлик.

Талаба-ёшлар "Адолат"ни танламоқда

Бугунги талаба – эртанги мутахассис. Улар ҳаёт йўлини ҳозирдан белгилamoқдалар. Жумладан, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш учун бирон-бир партияга аъзоли бўлиш лозимлигини тушуниб етмоқдалар. "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгаши ташаббуси билан Андижон давлат университети ахборот ресурс марказида "Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш демократик жамият пойдевори" лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати айни шу мақсадга қаратилди.



Партия фаоллари ва ҳуқуқшунослар талабаларга хорижий давлатлар ва Ўзбекистондаги сиёсий ҳаёт, жорий йилда янгиланган Конституциямиз, сайлов қонунчилиги ва сиёсий партиялар фаолияти юзасидан тушунча бердилар. Ҳар бир партия ўз мақсад ва гоаярлига эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

– Қонун устуворлиги ҳамма вақт долзарб вазифа, – деди "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Жанона Раҳимова. – Бу бизнинг фаолиятимизда кенг ўрин эгалламоқда. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида олиб бораётган ишларимиз шўқироқчиларда қизиқиш уйғотди. Мақсадимиз – ёшларни ўз сафимизга жалб этиш.

Тадбир ўз самарасини кўрсатди. Андижон шаҳрида яшовчи талаба ёшлар Адҳамжон Тоштеморов, Моҳичебра Комилова ва бошқалар "Адолат" СДПни танлаб, сафимизга қўшилишди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

БУГУННИНГ ГАПИ



ШАРМАНДАГА
ШАҲАР КЕНГ ЭКАН

Ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун
жарима балларини ҳисоблаш тизими қачон ишга тушади?

Телевидениенинг “Бир кун” информацион дастурида намойиш этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун келган жарима қоғозларидан “мотивация” олувчи йигитча борасида тайёрлаган видео репортажини қўриб беихтиёр ёқа ушлайсан, киши. Кўрмаганнинг кўргани курсин. Бир даврада жарималар сонидан завқланиб қайта ва қайта қоидабузарликка қасддан қўл урувчи йигитча борасида ўз қарашларимизни юқоридаги нақл билан ифодалагандик, суҳбатдошларимиз фикримизга қўшилмаслигини билдириб, бош иргашди. “Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин”, дегн қоқиндиқ... Ахир пешонасига ёзиб қўйишибди-ку “эркатой” деб. Тўғри-да, энг юқори тезлиги 175ни қайд этганлиги, жарималари орасида уни “тўлқинлантирган” тўлов миқдори эса 2 миллион 970 000 минг эканлигини айтиб оғиз қўпиртираётган йигитча аллакимнинг эркатойи бўлмай, ким бўларди?!”

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,
“Адолат” СДП Матбуот хизмати бош мутахассиси

“Қаҳрамонимиз бир ойда ўз машинасида камиди 50 мартаба жаримага тушган. Бунинг ягона сабаби унинг жарима хабарномаларидан коллекция йиғишга ҳавасманд эканлигидан”, дейди тележурналист йигитчага “кўрсатган қароматлари” ҳақида гапириб беришини сўраб микрофон тутқазишдан аввал. Шу ерда бироз тўхтаб, нафас ростлаб олмасак бўлмайдиغان кўринади... ҚОИДАБУЗАРЛАР, БУЗГУНЧИЛАРНИ ҚАЧОНДАН БУЁН ҚАҲРАМОН ДАРАЖАСИГА КЎТАРА БОШЛАДИК! ЯНА РАСМИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВАСИТАЛАРИДА-Я? “Шаҳар бедарвоза бўлса, шармандага шаҳар кенг”, деганлари шу бўлса керак-да. “Қаҳрамонимиз 70 фоиз жаримани тезликни оширгани, 20 фоизини қизил чироқдан ўтгани ва қолган 10 фоизини хавфсизлик камарини тақмаганлиги ва машинасини рухсат этилмаган жойда қолдирганлиги учун олган”, дея маълумот беришда давом этади бошловчи...

Шу ўринда “Йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб белгиланган ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими” нега ҳамон ишга тушмаяпти?” деган ҳақли савол туғилади. Айрим

расмий оммавий ахборот воситалари киприк қоқмай, шов-шувли хабар ортидан ном қозониш илинжида қоидабузарларни қаҳрамон даражасига кўтараётган, учар ҳайдовчиларимиз ўз жарима қоғозларидан коллекция яратиб мақтанадиган кунларгача етиб келган эканмиз, баллик тизим тезроқ ишга тушиши учун яна нималар содир бўлиши кераклиги ҳақида ўйлаб, ўйингга етолмайсан, киши.

ЖАРИМА ҚОҒОЗЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ КУНИ КЕЛИБ БОСИБ КЕТИЛГАН, МАЙИБ-МАЖРУҲ ҚИЛИНГАН ЙЎЛОВЧИЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИГА АЙЛАНМАСЛИГИГА КИМ КАФОЛАТ БЕРАДИ? АХИР ЎРМОНГА ЎТ КЕТСА ҲЎЛУ ҚУРИҚ БАРОБАР ЁНАДИ. ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ТУРЛИ-ТУМАН БЕМАЗГАРЧИЛИКЛАР БОРА-БОРА ОММАВИЙ ЧЕЛЕНДЖЛАРГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН, ФИКРУ ХАЁЛИ ҚАНДАЙ БЎЛМАСИН ТЕЗРОҚ МАШҲУР БЎЛИШГА ИНТИЛАЁТГАН БАЪЗИ ЁШЛАРИМИЗ “ЮЛДУЗЛИК” ИЛИНЖИДА НИМАЛАРГА ТАЙЁР ЭКАНЛИГИ, УЛАРИНИНГ “АҚЛЛИ” КАЛЛАСИДА НИМАЛАР АЙЛАНИБ ЮРГАНИНИ ЎЙЛАШНИНГ ЎЗИЁҚ ДАՎШАТЛИ ЭМАСМИ? КЎЗ ЎНГИМИЗДА, КУППА-КУНДУЗ

КУНИ СОДИР БЎЛАЁТГАН БУ КАБИ АЯНЧЛИ ҲОЛАТЛАР НАХОТКИ БИЗГА ДАРС БЎЛМАСА?!.

ЖАМИЯТИМИЗДА ФАРЗАНДАЛАРИНИНГ ХУРМАЧА ҚИЛҚИЛАРИНИ ХАСПЎШЛАБ, НАРИ БОРСА ЁШЛИК БЕБОШЛИК НАҚЛИГА ЙЎЙИБ ҚЎЯЁТГАН, БИР ОЙДА САЛКАМ 40 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЖАРИМА ТЎЛОВИНИ ШУНЧАКИ “ЭРКАТОЙ”НИНГ “БОШ-КЎЗИ-ДАН” САДАҚА ҚИЛИБ ЮБОРАЁТГАН “ЯНГИ ЎЗБЕК”ЛАР ТОИФАСИ УРФГА КИРИБ БОРАЁТГАНИ, ЖАМИЯТ ОСУДАЛИГИ ВА ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАРИМИЗНИ ТЕЗРОҚ БИР ҚАРОРГА КЕЛИШЛАРИНИ ТАҚОЗО ЭТМАЯПДИМИ?

Қолаверса, ёшлик-бебошликлари йўлида “пул қўлнинг кири” ақида-сида пул сочаётганларнинг даромад манбаи қаердан келаётганлигига ақлинг ҳам етмай қолади баъзан. Зотан, тўғрилиқ ва ўғрилиқ, ҳалолдан ва ҳаромдан орттирилаётган бойлик масаласи сизу биз яшаб турган жамият ҳаётига бевосита дахлдор. Акс ҳолда жамиятдаги коррупция, ҳақ-ҳуқуқларимизнинг поймол этилиши каби ҳолатларга қайта-қайта дуч келаверамиз.

“Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади”. Иситмамиз-ку, аллақачон ошкор бўлиб бўлди. Бироқ биз ҳамон касални яшириш билан оворамиз...

Муносабат

Ўзбекистон
иқтисодиёти
ривожининг
янги модели

“Facebook” ижтимоий тармоғидаги “Сайд Фаёз” саҳифасида эълон қилинган поста муаллиф “Ўзбекистон иқтисодиёти қачон бозорлардаги нарх-навоининг ошишига мос равишда ўсишга эга бўлади?” деган савол билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилибди.

Абдуғаффор ОРТИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Юзаки қарасангиз, ўринли саволга ўхшайди. Аммо пост муаллифи бозорлардаги нархларни ўсишини кузатибди-ю, лекин Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган ўсиш суръатларига, эришилган ютуқларга негадир эътибор қаратмаган.

Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлигининг хабар беришича, 2023 йилнинг биринчи чорагида мамлакат иқтисодиёти 5,5 фоиз ўсишга эришган (бу даврда бозор хизматлари ҳажмининг ўсиши – 10,9 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигининг ўсиши – 3,2 фоизни, саноатнинг ўсиши – 4,1 фоизни, қурилиш соҳасининг ўсиши – 4,5 фоизни, чакана савдо товар айланмасининг ўсиши эса 5,2 фоизни ташкил қилган). Маълумот учун, Жаҳон банки прогнозларига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 2023 йилда 5,1 фоизни, Осиё тараққиёт банкининг прогнозларига кўра эса 5 фоизни ташкил этиши кўтилмоқда. Бу статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан илдамлаб бормоқда. Яна бир гуруҳ хорижий экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича, Ўзбекистон иқтисодиёти юқори ўсиш суръатлари бўйича жаҳон мамлакатлари рўйхатида биринчи ўнликда бормоқда.

Бугун иқтисодиётимиз охириги ўн йилда юқори технологиялар асосида ривожланган мамлакатларда, ўтган асрнинг тўқсонинчи ҳамда йигирма биринчи асрнинг дастлабки йилларида шаклланиб ривожланган кластерлаштиришнинг кейинги босқичи бўлган янги – табиатдаги ҳамда инсонлар ўртасидаги, яъни ижтимоий ҳаётдаги ҳамда табиатда мавжуд тизимларни узвий бирлаштирган, уйғунлигини таъминлаган “бизнес-экотизим” деб ном олган модель, концепция кенг жорий этилмоқда ва у юқори самара билан ишлай бошлади.

Бу моделин бутун бошли бир тизим десак ҳам бўлади. У бизнесни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўта мақбул йўли, усули бўлиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, мижоз билан ишлашнинг табиатда мавжуд ўта самарали, рационал, ҳаётий экологик тизимдан андоза кўчирган ҳамда “ишлаб чиқарувчи – истеъмолчи” муносабатларини бир бутун, яхлит эканлигини инobatга олган ҳолда, мижозни ва унинг талабларини “илоҳийлаштириб”, уни комьюнитининг (ингл. community – уюшма) – инсонларнинг ўз манфаатлари уйғунлиги йўлидаги бирлашиши) бир элементи, корхона бренди, имижига бевосита алоқадор бўлишига қаратилган. McKinseyнинг (ҳалқаро консалтинг компанияси) башоратига қараганда, 2025 йилга келиб жаҳондаги компанияларнинг 30 фоизининг корпоратив даромади рақамли бизнес-экотизимга тўғри келар экан.

Ўзбекистон иқтисодиётида бизнес-экотизим концепцияси куртаклари пайдо бўлди ва бу тизим ривожланган мамлакатлардаги аналог, ўхшаш тизимлар даражасида бўлмасада, сўнги йилларда мамлакат Президенти ҳамда Ҳукуматининг изчил ҳаракатлари натижасида бизнес-экотизимни яратиш ва ривожлантиришда сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Бизнес-экотизим (ингл.: business ecosystem) – бир компания (тадбиркорлик субъекти) атрофида жамланган ўзининг ёки ҳамкорларининг сервислари мажмуи. Бизнес-экотизимда компания мижоз ҳаётининг мўайян бир соҳаси (ёки бир неча соҳасига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин) атрофида жамланиб, талабини тўлақонли қондиришга ўз фаолиятини йўналтиради.

Бизнес-экотизим бугунги кунда юқори, фан билан боғлиқ технологиялари мавжуд компанияларда кенг қўлланиб келинмоқда. Бу тизим стратегик режалаштириш принциплари асосида қурилган.

Маъмур моделининг ютуғи шундаки, тизим дастлабки, стартап босқичидан бошлаб мижозга битта, яхкахон ташкилот учун мураккаб бўлган қиммат, яъни кўп меҳнат талаб қиладиган имкониятларни тақдим этади. Бунга қўшимча, бизнес-экотизим модуллилиги сабаб, турли ташқи ва ички номаъқул, салбий кучларга, омилларга бемалол бардош бера олади. Айнан шунинг учун ҳам асарият экотизимлар ўзларининг янги платформаларини, хизмат турларини тақдир этиб, ранг-баранг экотизим яратмоқдалар.

Хулоса тариқасида шунга таъкидлаш лозимки, бизнес-экотизим марказида ўзининг кундалиқ талаб ва хоҳишлари билан мижоз туради. У нимани истаса – унинг истиги, албатта, тўлақонли бажарилиши шарт. Бу ўринда гап фақат жисмоний шахс устида кетаётгани йўқ, Бизнес экотизимнинг қолган икки йўналиши – давлат ҳамда бизнеснинг талаблари ҳам бекаму кўст қондирилиши керак.

Биз шунга ишонч билан айта оламизки, бизнес-экотизим модели асосида ривожланаётган Ўзбекистон иқтисодиёти таркибидаги компания, фирмалар янги технологияларни жорий қилишда, ресурслардан унумли фойдаланишда, замонавий инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқишда, янги-янги хизмат турларини жорий қилишда, фойда олиш, юқори самарага, бонусларга эга бўлишда мисли кўрилмаган имкониятларга эришишлар ва яқин келажақда у ўз мевасини бера бошлайди.

ДИҚҚАТ АКЦИЯ

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАШАББУСИ БИЛАН

2023 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ КУНИ

РЕСПУБЛИКА ҚОН ҚУЙИШ МАРКАЗИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА

“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”

БЕГАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИГА
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЧОғЛАБ ҚОЛАМИЗ !



ВАҚТ: 9:00 дан 16:00 гача
МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 138-уй
ТЕЛЕФОН: +998 99-520-13-85
+998 99-421-93-18
БАТАФСИЛ: www.adolat.uz

DIQQAT, E'LON!

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
YANGI TAHRIRDAGI KONSTITUTSIYASI
ASOSIDA RESPUBLIKA BO'YLAB YOSHLAR
ORASIDA TASHKIL ETILAYOTGAN

“KONSTITUTSIYA BILIMDONI”

KO'RIK TANLOVIDA FAOL ISHTIROK ETING.
AZIZ YOSHLAR! KONSTITUTSIYA BO'YICHA O'Z
BILIMLARINGIZNI SINAB KO'RING!

KO'RIK-TANLOV RESPUBLIKA BO'YLAB BARCHA KOLLEJ, TEKHNIKUMLAR VA OTMLAR TASARRUFIDAGI AKADEMIK LITSEYLARINING 2-BOSQICH O'QUVCHILARI ORASIDA UCH BOSQICHDA O'TKAZILADI!

1-BOSQICH: SARBLASH (TUMAN, SHAHAR) BOSQICHI (16 - 14 NOYABR ORALIG'IDA);
2-BOSQICH: HUKUDYI (QORAGALPOG'ISTON RESPUBLIKASI, VILOYATLAR VA TOSHKENT SHAHRI) BOSQICHI (15 - 25 NOYABR ORALIG'IDA);
3-BOSQICH: YAKUNIY (RESPUBLIKA) BOSQICHI (25 NOYABR - 5 DEKABR ORALIG'IDA).

www.adolat.uz @adolat_uz @sdpu.adolat

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси. 41-уй.